КОМПЕТЕНТЛИК ВА ПРАГМАТИКА

У.Раҳимов, Н.Махаммаджонов

Мақолада шахс лингвистик компетенциясининг шаклланиши таҳлил қилинган. Инсоннинг умумий билиш хазинаси бойиб боришида лингвистик компетенцияларнинг ўрни босқичма-босқич ёритилган. Креатив фаолиятни шакллантириш бўйича тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: *лингвистик компетенция, социал компетенция, прагматик компетенция, умумий билиш хазинаси, креатив тафаккур.*

В статье анализируется формирование языковой компетенции личности. Поэтапно освещена роль языковой компетенции в обогащении общего фонда знаний человека. Представлены рекомендации по формированию креативной деятельности.

Ключевые слова: *лингвистическая компетентность, социальная компетентность, прагматическая компетенция, фонд общих знаний, творческое мышление.*

The article analyzes the formation of linguistic competence of a personality. The role of competence in enriching general fund of human knowledge has been elucidated stage by stage. Some recommendations of forming creative activities have been suggested. Here are some tips for creating creative activities in people.

Key words: *linguistic competence, social competence, pragmatic competence, common knowledge fund, creatively thought.*

Ҳозирги кунда коммуникатив мулоқот маданияти, коммуникатив мулоқот одоби, коммуникатив мулоқот шакли каби атамалар тез-тез қўлланмоқда. Коммуникатив мулоқот бу сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги муносабатлар мажмуи бўлиб, турли хил омилларга боғлиқ ҳолда юзага чиқади. Дастлабки омил сифатида компетенцияни тушуниш шарт. Чунки мулоқотга лойиқ билим ва кўникмага эга бўлиш бош талаб ҳисобланади.

Компетентлик тушунчаси ҳозиргача илмий манбаларда турлича талқин қилинмоқда. Компетентлик компетенция сўзидан олинган. Компетенция лотинча *compete* сўзидан олинган бўлиб, мусобақалашмоқ, рақобатлашмоқ, беллашмоқ деган маънони англатади. Умумий маънода мусобақалашишга лаёқатлилик тушунчасини ифодалайди. Лаёқат тушунчаси жуда кенг қамровли бўлиб, кўплаб лаёқатларни тушуниш мумкин. Ҳозирги кунда самарадорлик, мослашувчанлик, уқувлилик, муваффақиятлилик, тушунувчанлик, сифатлилик, миқдор каби маъноларда қўлланмоқда [1.243].

Компетенция	Билимлар мажмуининг амалда қўлланилиши
	Шахснинг уқуви, хислатлари, фазилатлари
	Амалий фаолиятга тайёргарлик ўлчови
	Муаммоларни ҳал қилиш, натижаларни қўлга киритиш
	Профессионал фаолиятни таъминловчи билим
	Кўникма, малакалар яхлитлиги
	Амалиётга татбиқ этилган билим, ўқув, тажриба
	Мақсадли йўналтирилган эмоционал ирода кучи

Компетенцияни дастлаб қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

1. Стандарт компетенция – доимий ва одатий вазиятларни бажариш қобилияти (эрталаб интернет, ОАВ орқали дунёда бўлаётган янгиликлар, касбига оид янгиликлар билан танишиб бориш, қуролланиш – ғоявий-сиёсий компетентлик).

2. Асосий компетенция – эгаллаб турган лавозимига оид инновацион вазифаларни бажариш қобилияти (муайян лавозим доирасида муаммоларни индивидуал ёндашган ҳолда ҳал қилиш).

3. Етакчи компетенция – касб фаолиятининг янги турларини ярата олиш қобилияти (касби нуқтаи назаридан етук билимга эга бўлиш, муаммоларни кўра олиш, янги турларини яратишга фаоллик кўрсатиш ҳамда бош бўлиш қобилияти).

Демак, дастлабки компетенцияларни эгаллаш учун қуйидаги компетенцияларни билиш шарт. Улар қуйидагилар:

1. Лингвистик компетенция (коммуникатив мулоқот лаёқатига эга бўлиш).

2. Социал компетенция (муайян социал қатламлар, маданиятларни тушуниш лаёқати).

3. Прагматик компетенция (муайян вазиятлардан усталик билан чиқиб кета олиш қобилиятига эга бўлиш) [3.112].

Кўринадики, ҳар қандай компетенциянинг бош омили тил компетентлиги ёки коммуникатив мулоқот компетентлигидир. Шунинг учун тил компетентлигига эришиш тамойилларига эътибор қаратиш лозим. Бу жараён инсоннинг атроф-муҳитни тушуниб, “тили чиқаётган” пайтдан бошланади. Турли хил омиллар таъсирида лингвистик қобилият шаклланиб боради. Лингвистик компетентликка эга бўлиш асносида ўзининг “умумий билиш хазинаси”даги тушунчалар асосида мулоқотга киришади. Мулоқот турли хил омилларга боғлиқ ҳолда “осон” ва “қийин” бўлиши мумкин. “Осон” бўлганда, боланинг умумий билиш хазинасидаги (УБХ) мавжуд тушунча ва компетентлик қобилиятига мос вазият бўлади. “Қийин” бўлганда, боланинг УБХдаги тушунча ва компетентлик қобилиятига мос келмаган вазият юзага келган бўлади. Ёш болада УБХнинг ривожланишига таъсир этувчи вазият бу “қийин” вазиятдир. Чунки боладаги УБХда янги тушунчалар, янги сўзлар пайдо бўлади, коммуникатив мулоқот компетентлик қобилиятини ривожлантиради. Шу тарзда боланинг УБХси бойиб бориб, компетентлиги янги даражага кўтарилади. Бу компетентлик ижтимоий муносабатларда шаклланади. Шунга кўра коммуникатив мулоқот ва лингвистик компетенция ижтимоий муносабат омили таъсирида ҳам бойиб боради. Натижада инсон “тили чиққани”дан бошлаб то умрининг охиригача компетентликни ривожлантириб боради. Унга дастлаб қуйидаги омиллар таъсир қилади:

1. Ижтимоий муносабат (оила, маҳалла, мактаб, олий таълим, касбдошлар, ОАВ ва ҳ.к.).

2. Ижтимоий муҳит (ички ва ташқи муҳит).

3. Таълим (мактаб, АЛ ва КҲК, олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим).

4. Тарбия (оила, мактаб, маҳалла, жамият);

5. Касб-кор (касбий мулоқотдан олинган компетенция);

6. Фан ва илм.

Юқоридаги омиллар таъсирида УБХ бойиб, лингвистик компетенция босқичма-босқич шаклланади ва ривожланади. Бизнингча, бу босқичларни қуйидагича ажратиш мумкин:

1. Эмпирик босқич (“тили чиққани”дан бошлаб умумий ўрта таълим тизимини тамомлашгача бўлган давр). Бу даврни инсоний муносабатлар таъсирида УБХни бойитиб бориш, материаллар тўплаш босқичи деб аташ мумкин;

2. Назарий билиш босқичи (тўпланган материаллар асосида системавий муносабатни юзага чиқариш ва назарий хулосалар чиқариш даври). Бу даврни умумтаълим мактабини битиргандан кейинги давр – бирор бир касб-корга эга бўлиш (АЛ, КҲК, ОТМ, олий таълимдан кейинги таълим) даври деб аташ мумкин.

3. Ментал билиш босқичи [4.94].

Кўринадики, муайян босқичлар инсон тили чиққанидан бошлаб то умрининг охиригача бўлган даврларни ўз ичига олади. Бу босқичлар ҳар қандай инсон онгидан кечадиган босқичдир. Бу жиҳатдан муайян фаннинг ривожланиш босқичлари билан ўхшаш, чунки ҳар қандай фан 3 босқични ўз

бошидан кечиради. Инсон ҳам ҳаёти давомида шу босқичлардан ўтади. Баъзи бир инсонлар ҳамма босқични ўз бошидан кечирмаслиги мумкин. Чунки инсон тафаккури бир хил эмас.

Баъзи бир инсонлар яшаш тарзи, турмуш шароити, ижтимоий муҳити, социал алоқаларига боғлиқ ҳолда улардаги УБХ материал тўплаш босқичида тўхтаб қолиши мумкин. Олий таълимда таҳсил олиб, бирор бир соҳада ишлайдиган инсонлар назарий билиш босқичига ўтади. Воқеа-ҳодисаларни таҳлил этишда анализ кучаяди, воқеа-ҳодисаларни ўзаро ўхшаш ва ноўхшаш томонлари жиҳатидан ажратади ва фаолияти давомида қўллайди. Бу компетентликнинг назарий билиш босқичи ҳисоблади. Лекин шуни унутмаслик керакки, юқорида кўрсатилган босқичларда битта компетентлик ривожланади деб ўйлаш тўғри эмас. Чунки бу даврда инсонда турли хил компетенциялар ривожланиб боради. Масалан, лингвистик ёки коммуникатив компетенция, социал компетенция, касбий компетенция, прагматик компетенция ва ҳ.к. Демак, бу босқичда инсоннинг барча компетенциялари ривожланади ва анализ қилиш тизимига ўтади.

Компетентликнинг ментал босқичи илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланувчилар, ихтирочилар, ўз касбини юқори даражада эгаллаган, устоз даражасига етган инсонлардагина бўлади. Чунки бу даврда инсон онгида синтез ва баҳолаш кучаяди. Натижалар синтез орқали умумлаштирилади, хулоса қилинади ва баҳоланади. Бу босқич инсон компетенцияларининг энг юқори босқичи ҳисобланади. Бу даврда барча компетенциялар бир-бирини тўлдиради, ривожлантиради, бир умумийликни ташкил этади, яъни бир макросистемага бирлашади. Бу босқичда креатив тафаккур шаклланади. Бизнингча, барча компетенцияларнинг шаклланиши ва умумлашишида, яъни бир макросистемага бирлашишида лингвистик компетенция энг асосий ҳисобланади. Чунки инсон УБХсининг бойиб бориши тил билан боғлиқ. Шунинг учун лингвистик компетенциянинг ривожланишига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги юзага келмоқда.

Ҳозирги кунда лингвистик компетенцияни ривожлантиришнинг қандай аъмоллари бор? Дастлаб, мактабга киргунга қадар, ижтимоий ва социал омил таъсир қилади. Чунки бу даврда бола муайян қонун-қоидалар асосида эмас, ўзаро ижтимоий муҳит таъсирида ўрганади ва ривожланади. Мактабга киргандан кейин муайян лингвистик қоидаларни ўрганади ва тил компетентлиги янги босқичда ривожланади. Муайян қонун-қоидаларга амал қилади, нутқий баркамоллик юзага келади. Демак, мактабга киргунга қадар ижтимоий-социал омил таъсирида бўлса, мактабда эса ижтимоий-илмий омил таъсирида бўлади. Мактаб даврида лингвистик компетенцияни ривожлантириш учун “нимани ўқитамиз?”, “қандай ўқитамиз?”, “қачон ўқитамиз?” деган саволларга жавоб излашимиз керак бўлади. Бу эса ўта мураккаб ва серқирра жараён. Бунда қуйидаги ҳолатларни ҳисобга олиш керак:

1. Инсоннинг муайян билимларни қабул қила олиш имконияти.

2. Инсоннинг ёшини ҳисобга олган ҳолда муайян даврларда лингвистик қоидаларнинг қайси жиҳатларини ўргатиш дастурининг оптимал шакли.

3. Инсоннинг умумий УБХсидаги лексик минимум – луғат бойлигини оширишга қаратилган дастур.

4. Билиш, тушуниш, қўллаш, таҳлил қилиш, синтез ва баҳолаш технологияси асосида иш юритишга ўргатиш дастури.

5. Инновацион тафаккурни шакллантиришга олиб борувчи дастурлар.

6. Муайян касбий компетентлик ва креатив маҳсулот яратишга психологик имкониятни шакллантирувчи дастурлар.

7. Ҳар қандай соҳада менежмент ва менежерлик психологиясини шакллантириш дастурлари.

8. Креатив тафаккурни шакллантириш дастури.

9. Тафаккурни интеграциялаш.

10. Ирсият, тарбия, муҳит таъсирида фикрлай олиш қобилиятини шакллантириш дастури.

Кўринадики, компетенциялар “тил – олам - инсон” модели асосида шаклланувчи мураккаб система - макросистема. Бу макросистеманинг муайян микросистемалари борки, ушбу элементлар шаклланмаса, макросистема бутунлиги таъминланмайди. Шунинг учун барча микросистемалар ривожланса, макросистеманинг бутунлиги таъминланади. Бундай бутунликни қандай? қачон? нима билан? таъминлаш керак. Биз уларни қуйидаги босқичларга бўлишни тавсия қиламиз:

1. Мактабгача таълим – оддий мулоқотга ўрганиш ва эслаш қобилиятини ривожлантириш босқичи.

2. Бошланғич таълим – ўқиш, ёзиш, ҳисоблашни ўрганиш, луғат бойлигини ошириш босқичи.

3. Умумий ўрта таълим – ижтимоий, социал, коммуникатив компетентликни ривожлантириш босқичи.

4. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими – касбий компетентлик, креатив маҳсулотлар (моддий ва маънавий) яратиш психологиясини шакллантириш босқичи;

5. Олий таълим – билиш, тушуниш, қўллаш, таҳлил қилиш, синтез, баҳолаш технологияси асосида иш юритиш, инновацион тафаккур ҳамда креатив қобилиятни шакллантириш босқичи.

6. Олий таълимдан кейинги таълим – муайян соҳалар бўйича тафаккур интеграциясини шакллантириш босқичи.

Бу босқичларни турли хил давлатларда хилма-

хил тарзда атайдилар. Бу таснифларнинг умумий принципи бор. У ҳам бўлса, инсон онгининг ривожланиш босқичларидир. Улар турлича номланса ҳам, пировард натижада барчасида онг ривожланиш босқичлари акс этади.

Компетентликнинг ривожланиш босқичларига таъсир этувчи омиллар, ривожланиш босқичлари инсоннинг онги билан боғлиқ ҳолдаги шаклларининг даврлари алоҳида-алоҳида тадқиқот объектлари ҳисобланади ва монографик асосда ўрганишни талаб этади.

Биз лингвистик компетенциянинг даражаланишига эътиборни қаратишимиз керак. Чунки ҳаётнинг барча жабҳаларида лингвистик компетенцияга талаб бир хил эмас. Масалан, ўқитувчилар ва врачлар (соҳасидан қатъи назар) билан инженер-технологлар учун лингвистик компетентлик бўйича талаб ҳар хил. Ўқитувчи ва врачлар учун лингвистик компетенция касб нуқтаи назаридан энг асосийсидир. Инженер-технологлар учун эса асосий эмас. Кўринадики, умумий ўрта таълим ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимида оптимал грамматика ўргатилиши керак. Оптимал грамматика билан инсон ўз фикрини баён қила олади, изчил тушунтира олади, мустақил ҳолда ёзма ва оғзаки мулоқот қилиш имкониятига эга бўлади. Ҳозирги кунда эса бошқачароқ ҳолат кўзга ташланади. Яъни, юқоридаги ўқув муассасаларида илмий грамматика элементлари ўқитилади. Ваҳоланки, синфдаги 25 та ўқувчидан 1 та ёки 2 таси филолог бўлишини ҳисобга олсак, болаларга илмий грамматика ўқитиш заруратий йўқлиги кўзга ташланади. Демак, ОТМнинг филология факультет (ўзбек, қозоқ, қирғиз, рус, инглиз, немис, француз)ларида илмий грамматика ўқитилиши мақсадга мувофиқдир. Келажакда улар учун зарур.

Мактаб, АЛ ва КҲКнинг дастурларини қайта кўриб чиқиш зарур ва замон талаби ҳисобланади. Масалан, инглиз тили, рус тили фанлари умумий ўрта таълим мактабларининг 1-синфидан мактабни битиргунга қадар ўқитилади. Олий таълимда ҳам ўқитилади. Бизнингча, олий таълимнинг нофилологик гуруҳларида хорижий тиллар коммуникатив мулоқот маданияти тарзида ўқитилса, пировард мақсадга мувофиқ бўлади. Касбий компетентликка мос ҳолда мулоқот маданияти шаклланади. Бу эса давр талаби. Биз узвийлик ва узлуксизликни тўғри талқин қилишимизни давр талаб этмоқда. Умуман, лингвистикага оид фанларнинг ўқитилиши ва дастурларини қайта кўриб чиқиш, аккредитация ва инвентаризациядан ўтказиш шарт. Нафақат лингвистикага оид фанларни, балки бошқа фанларнинг дастурларини ҳам кўриб чиқиш керак.

Ҳар бир соҳада оптимал мезонни танлаб, интерфаол усулларда ўқитиш ҳозирги давр талабига мос компетенцияни шакллантиради. Хуллас, давр билан ҳамнафас юриш учун тўсиқ бўлаётган муаммоларни дастлабки илдизларидан қидириш керак. Бу эса алоҳида тадқиқотларни талаб қилади.

Адабиётлар:

1. Васильев М.Л. Современная лингвистическая семантика. – Москва: Высшая школа, 1990. – 176 с.
2. Нурмонов А. Танланган асарлар, I – II – III жилдлар. – Тошкент: Академнашр, 2013.
3. Розенталь Д., Теленкова М. Словарь-спровочник лингвистических терминов. – Москва: Просвещение, 1976. – 543 с.
4. Соссюр Ф. де. Труды по языкознанию. – Москва: Прогресс, 1977. – 696 с.
5. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2008. – 285 б.
6. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – 92 б.

Андижон давлат университети,
2019 йил 15 январда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. З.Қодиров)